

## ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИДА ИСЛОМ ДИНИНИ АНГЛАШ ВА ЭЪТИҚОД МАСАЛАЛАРИ

*Дилноза Жамолова*

*Ўзбекистон ФА Тарих институти докторанти, тарих фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим*

XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган жадидлар ҳаракати том маънода жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишни мақсад қилган эди. Улар таълим, кейинроқ иқтисодий соҳа ва давлат бошқаруви тартибларини замонага мослаштириш учун жадал кураш олиб бориш билан бирга дин, маданият ва миллий қадриятларимизни тўғри англаш, асраб-авайлаш йўлида тарғибот ишларини олиб бордилар.

Туркистон жадидларининг отаси Маҳмудхўжа Бехбудий диннинг инсон учун нечоғли муҳим эканлигини таъкидлаб, *“Динсиз дунёда яшамоқ инсоният ва маданиятдан эмас, ҳайвонийликдур. Динсиз мутамаддин бўлмоқ маҳолдир”* [1: 5], деб ёзган эди. У ислом дини ҳақида фикр юритар экан, фозил уламолар ва саховатпеша бойлар ёрдамида ҳар бир миллат тараққий қилиши ва диний билимларини ривожлантириб бориши мумкинлигини уқтириб: *“Ҳар бир тоифани ислоҳ ва нажоти диний ва дунёвийга бошқарғувчиси ўшал тоифа ва халқнинг уламо ва бойларидур”* [2: 289], деб айтади.

Маҳмудхўжа Бехбудий “Миллатлар қандай тараққий этарлар” мақоласида ҳам шу икки тоифага тўхталиб, миллатлар диний уламолари ва бойлари маъсулиятли ҳамда ғайратли бўлсаларгина тараққий этишини, ривожланган ёки энди ривожланаётган миллатлар мазкур икки синфнинг сўзи ва ҳомийлигининг натижасида шу даражага етганликларини қайд қилиб ўтади [3: 389]. У диний олимларни юксак эътироф билан “Ҳар миллат ва дин аҳлининг бошчи ва ҳодийси уламолардур”, деб таъкидлайди ҳамда уларнинг дунёвий билимлардан мукаммал даражада хабардор бўлишлари ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутишини қайд этади [4: 406].

Маҳмудхўжа Бехбудий ислом инсонлар учун фойдали ва адолатли дин эканлигини таъкидлаб, жамиятнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан юқори турувчи тоифаларини дин ва тараққиёт йўлида бирлашишга чорлайди. Уларга: *“Эй ҳазрати уламо! Эй тужжор, аҳли касаба ва ағниё! Эй ғайратлик ёшлар! Нифоқ ва бир-бирига душманликни ташлангиз. Худо ҳаққи, арвоҳи анбиё ҳурмати ва бу кунларда қорнини тўйғизолмайтурган етим ва бевалар ҳаққи бир-бирингиз ила иттифоқ этуб, жамиятлар барпо қилиб, холиқ Худонинг нафига, дин ва миллат йўлига хизмат этингиз. Миллат ва халқ сиздан хизмат ва яхшилик талаб этадур, нафсоният ва гурур эмас”* [5: 439], деб мурожаат қилади.

Бехбудий мактабларда диний илмлар ўқитилишини қўллаб-қувватлаган ҳолда, дунёвий фанларни ҳам ўқитиш кераклигига урғу бериб: *“Илмсизлик ва тарбияи диния ва ахлоқ миллиядан бебаҳраликни*

*охири динсизлик ва расман тарки дин этмоққа сабаб бўлур, [6: 369], деб қайд этади.*

Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири Исҳоқхон Ибрат эса, диний анъаналар, шариат одатлари ҳақида фикр юритиб, уларнинг аҳамияти ҳақида доимий равишда аҳолига маърузалар қилиш уламоларнинг асосий вазифаси бўлиши кераклигини уқтиради ва: *“Биз Туркистон мусулмонлари орасинда хилофи шариат одатларнинг кўплиги ҳар кимга маълумдур. Мунинг дафъи ислоҳини ким этар? Бизнинг фикримизча, мунинг дафъи ислоҳига уламо ҳазрати камари ҳиммат боғлаб, муқаддас меҳробу минбардан ваъз суйлаб, аҳолига аҳкоми шариатни билдируб, байтуллоҳ ҳукминдаги масжид ва жомеъларда эртаю кеч амри маъруф ва наҳи аз мункар этиб, халойиқ англайтургон бир тил илан панду насиҳат этсалар, албатта, таъсирсиз қолмас. Ҳусусан, муқаддас масжидда суйланган ваъз ҳар бир мўъмин қалбина дуо каби таъсир этар” [7: 274],* деб таъкидлайди.

Бухоро жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси Абдурауф Фитрат ислом динининг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида фикр билдириб, айрим мутаассиб уламоларнинг билимсизлиги натижасида динга кириб қолган бидъатларни танқид қилган ҳамда уларнинг ислоҳи учун курашган. 1912 йилда Истанбулда нашр этилган Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарида Бухоро мадрасаларида диний таълимнинг оғир аҳволда эканлиги, мударрислар ва талабаларнинг илм савияси, араб тилини саёз билиши натижасида исломнинг муқаддас

китоблари нотўғри талқин қилинганини куйидагича изоҳлайди: *“Мадрасамиз бор, кутубхонамиз бор, бироқ юртимизда тафсир ва ҳадиснинг бирор бетини, ҳатто араб тилидан бирор бетини хатосиз ўқиб, комил равишда тушунтириб берадиган бирорта алломага эга эмасмиз”* [8: 114]. Фитратнинг фикрича, бунинг оқибатида халқ ҳаётига кириб келаётган янгиликлар, илғор ғоялар шариатга хилоф деб кораланади. У шундай дейди: *“Оврўподан муаллимлар олиб келиш ва ҳар йили бир неча истеъдодли ёшларни тиббий таълим олиш учун Россияга юбориш, буларнинг биронтаси шариатга қарши ишлар эмас. Зеро, оламнинг фахри бўлмиш алайҳиссалавоту вассалла буюрганлар: “Утлуб ил-илма ва лав бас-Сини”, яъни “илм агар Чинда бўлса ҳам тилаб ўқингиз”. Ана шу ҳадиси шариф мазмунига диққат билан эътибор қилайлик, Пайгамбаримизнинг Чинни мисол келтиришларидан мақсадлари албатта фикҳ ва тафсир илмини ўрганиш эмас, чунки Чин кофиристондир. Бу ҳадисда тилга олинган илм, яъни тиб ва санъатдир. Маълум бўлдики, дунёвий илмларни зайридинлардан ўрганиш ҳам бизнинг шариатимизга мосдир”* [8: 134-136].

Фитрат “Нажот йўли” асарида миллатни қоқоқликдан қутқариш йўли деб ислом динининг муқаддас китоби Қуръони каримни билади. Бу муқаддас китоб ва ислом дини ғоялари атрофида миллатни жипслаштиришга даъват этади. Унинг фикрича, *“Қуръони карим” – бу илм ва маърифатдир, ота-боболаримиз ҳар соҳада, айниқса, илм ва маърифатда олам аҳли учун ибрат ва намуна бўлганлар, улар ҳар бир*

*илмининг асосий моҳиятини яхши билиб, ундан яхшигина истифода ва истеъмол қилганлар” [9: 66].*

Бухоро жадиличлик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаларидан яна бири Ниёз Ражабзода халқни диний ва дунёвий билим билан қуроллантириш тараққиёт гарови эканини уқтириб: *“Миллати маҳқум сифати ила яшойтургон миллатлар агарда ўзларининг дин ва милиятларни зойиб этмай ёшомоқчи бўлса, аларга давлат ва бойлик ҳосил этмоқ лозим бўладур. Бой бўлган миллат дунёда яшай оладур. Ул миллатнинг динига эмас, хатто миллатига ва шахсиятига ҳеч ким тега олмайди” [10: 46],* деб ёзади.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср бошларида вужудга келган жадиличлик ҳаракати намояндалари исломга кириб қолган бидъатларга қарши курашишда уламоларни ўз соҳасининг етуқ билимдони бўлишга чақирдилар. Бойларни мадраса, масжидларга вақф ажратиб, уларнинг моддий таъминотини яхшилашга кўмаклашишга чорладилар. Ўзлари очган жади́д мактабларида анъанавий мактабларда ўқитиладиган “Ҳафтияк” (Қуръони каримнинг еттидан бир қисми)ни жорий қилдилар. Газета ва журналларда чоп этган мақолалари ва рисолаларида ислом динининг пайдо бўлиши, унинг ахлоқий нормалари, асл моҳиятини очиб бердилар. Ватандошларини диний ва дунёвий билимларни мукамал эгаллашга ундадилар.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бехбудий М. Китоби мунатахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия. Дарслик. 1906.
2. Ислоҳи таҳсил // М. Бехбудий. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. 2021.
3. Миллатлар қандай тараққий этарлар // Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. 2021.
4. Миллатнинг бошчиси туллоб ул-киромға // Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. 2021.
5. Мухтарам Самарқандийларға холисона арз // Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. 2021.
6. Оҳ ва ҳасрат // Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. 2021.
7. Исҳоқхон Ибрат. Миллатни ким ислоҳ этар? // “Ойина” журнали. 1914. № 12.
8. Фитрат. Ҳинд сайёҳи баёноти // Танланган асарлар. 1-жилд. - Тошкент: “Маънавият”, 2000.
9. Фитрат А. Нажот йўли // Танланган асарлар. 5-жилд. - Тошкент: Маънавият, 2010.
10. Ниёзий Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли // “Ойина” журнали. 1914. № 38.